



Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 19 октябрь, № 217 (7175) • Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни давлатимиз раҳбари кутиб олди. Президентлар шу ерда қисқа суҳбат ўтказди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 19 октябрга белгиланган.

Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, турли соҳаларда янги қўшма лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш истиқболларини муҳокама қилади, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашади.

Ташриф якунида давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти қабул қилиниши, йигирмага яқин ҳужжат имзоланиши режалаштирилган. Шунингдек, Ўзбекистон ва Россия ҳудудлари ҳамда ишбилармон доиралари ўртасида йирик инвестиция ва савдо шартномалари имзоланиши кўзда тутилган.

ЎзА.



Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги ҳудудлараро ҳамкорлик биринчи форуми ўз ишини бошлади.



Ҳудудлараро ҳамкорлик ривожидда кенг имконият ва истиқболлар



Олий даражадаги ташрифлар мунтазамлик касб этгани давлатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар, стратегик алоқалар ҳамда инвестициявий ҳамкорлик асосий ўрин тутди. Бугунги кунда республикада Россия сармоясига 1100 га яқин субъектлар, шу жумладан,

941 қўшма корхона, 150 дан ортиқ хорижий компаниялар фаолият юритаётгани бунинг яққол далилидир.

Форумдан кўзланган асосий мақсад ҳам ўзаро манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлаб, сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишдир. Зеро, унинг кундалиги икки томон учун ҳам бирдек долзарб мавзулардаги тадбирларга ўта бойдир.



МОСКВАДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ

Шу йил 18 октябрь куни Москвада Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримов ҳайкалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маросимда Ўзбекистон делегацияси таркибида мамлакатимиз парламенти аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, ҳукумат вакиллари, илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат намояндalари, шунингдек, Россия пойтахтида таълим олаётган, меҳнат қилаётган ҳамюртларимиз иштирок этди.

Биринчи Президентимиз ҳайкали ўрнатилган Ислам Каримов номидаги хиббонда Россия қонунчилик органлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, Москва шаҳри жамоатчилиги вакиллари ҳам жам бўлишди.

Қўл миллатли халқимиз ва Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путинга, Москва шаҳри раҳбарияти ва жамоатчилигига Ислам Каримов хотирасига баҳо келтирилган юксак ҳурмат учун чуқур миннатдорлик билдирилди.

Олий Мажлис Сенати Раиси



Н. Йўлдошев Москвада Ислам Каримов ҳайкалининг очилиши Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи бошланган кунда бўлиб ўтаётгани чуқур рамзий маънога эга эканини таъкидлади. Бу умумий тарих, муштарак ма-

даният, икки халқни боғлаб турган минглаб қардошлиқ ришталарига асосланган Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётганидан далолат экани қайд этилди.



Форум

Илм-фан ва олий таълим тизимидаги алоқалар мустаҳкамланади

Мамлакатимизда илк бор Ўзбекистон – Россия таълим форуми ўтказилмоқда. Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг юртимизга давлат ташрифи муносабати билан ташкил этилган мазкур анжуманда икки давлат ҳукумати вакиллари, таълим ва фан вазирлари, 150 га яқин нуфузли олий таълим муассасалари ректорлари қатнашяпти.

Форумнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик таълим соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Мазкур форум икки мамлакат ўртасида замонавий йўналиш ва мутахассисликлар бўйича малакали кадрлар тайёрлаш ҳамда илмий тадқиқот йўналишида ўзаро алоқаларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Россиянинг М. Ломоносов номидаги Москва давлат



университети, И. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети, Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодий университетининг каби дунё миқёсидаги нуфузли олий таълим муассасаларининг Тошкент шаҳридаги ҳамда Россия "Миллий технологик тадқиқотлар университети" "МИСИС"нинг Олмалик шаҳридаги филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Уларда 2140 нафар малакали кадр тайёрланыпти.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 6 сентябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2018 йил 27 сентябрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги 472-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 230-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; № 12, 657-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги тахрири тасдиқлансин (илова қилинади).

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўлдан киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 18 октябрь, № УРҚ–502

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Давлат божхона хизмати тўғрисида (янги тахрири)

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари (бундан буён матнда божхона органлари деб юритилади) фаолиятини тартибга солишдан иборат.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг давлат божхона хизмати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикасининг давлат божхона хизмати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

3-модда. Божхона органларининг асосий вазифалари

Божхона органларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:
жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонун билан муҳофазат этилаётган манфаатларини ҳимоя қилиш;
ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш;
божхона назорати ва расмийлаштирувини амалга ошириш;
божхона тўловларини ундириш;
божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш, қонун ҳужжатлари бузилишларининг, шу жумладан контрабанданинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш;
ташқи савдо операцияларининг мониторингини амалга ошириш, экспорт-импорт шартномаларининг ижросини таҳлил қилиш, шунингдек ташқи савдо операцияларининг божхона органларига тааллуқли қисмини ўтказишда валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш;
товарларнинг ташқи савдосига доир божхона статистикасини ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятнинг товар номенклатурасини юритиш;
фуқароларнинг божхона соҳасидаги ҳуқуқий маданиятини юксалтириш;
хавфни бошқариш тизими қўлланилиши самардорлигининг мунтазам мониторингини амалга ошириш;
божхона органлари фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ва назоратнинг техник воситаларини қўллаш;
божхона ишларини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг божхона ишига тааллуқли қисминдан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш.

4-модда. Божхона органлари фаолиятининг асосий принциплари

Божхона органлари фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, ягоналик, очиклик ва шаффоқлик, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилишдан иборатдир.

(Давоми 2, 3-бетларда).



Хушxabар

Олмалиқда янги олий ўқув юрти расман очилди

Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси «Миллий технологик тадқиқотлар университети» «МИСИС»нинг Олмалик шаҳридаги филиалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Бу даргоҳ Президентимизнинг 2018 йил 11 майдаги қарори асосида фаолият кўрсата бошлади.

Маросимда сўзга чиққанлар юртимиз олий таълим тизими изчил тараққий этиб бораётганини алоҳида таъкидлаб, мазкур янги олий ўқув муассасаси илмий салоҳият ва кадрлар тайёрлаш бўйича ўз ўрнига эга бўлишига умид билдириди.

Университет Олмалик кон-металлургия комбина-ти раҳбарияти ва мутахассисларининг самарали саъй-ҳаракати билан қисқа фурсат ичида зарур жи-хозлар билан таъминлан-


ди. Хусусан, 1200 ўринли ўқув биноси, 146 ўринли ётоқхона, 324 ўринли фаоллар зали, замонавий ошхона бугунги кун талаб-ларига тўла жавоб бера-ди. Бу ерда 2 та компью-тер синфи, электрон ку-тубхона, интерфол доска-лар, инфокиослар мав-жуд. Шунингдек, таянч олий ўқув даргоҳлари би-лан онлайн алоқага кири-шиш ҳамда шарҳли маъ-рузалар тинглаш учун мўлжалланган мультиме-диа панеллари ҳам ишлаб

турибди. Кончилик ва ме-таллургия саноатини даст-турлаш, махсус дастурлар-дан фойдаланиш ҳамда уларни амалда қўллашга мўлжалланган ахборот технологик лаборатория-лар талабалар иштиёрига топширилган.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Эксклюзив интервью

«Аниқ мақсадлар, узоқни кўзлаган режалар»



Ўзбекистон – Россия таълим форумида иштирок этиш мақсадида юртимизга келган Россия Ректорлар иттифоқи президенти, М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети ректори, Россия Фанлар академияси академиги Виктор Садовничий мазкур нуфузли анжуманининг аҳамияти ва давлатларимиз ўртасида илмий-маърифий ҳамкорликнинг истиқболлари ҳақида муҳаббатимизга гапириб берди:



